АЁЛЛАР УЧУН ТАКСИ ХИЗМАТИ ПЛАТФОРМАСИ ЛОЙИҲАСИ

Тошкент – 2024 йил

Лойиҳанинг мақсади:

Хизматлар кўрсатиш соҳасида Аёллар такси хизматини ташкил этиш орқали аҳоли орасида аёллар ва болаларни манзилига хавфсиз етказиб қўйиш учун мобил илова дастурини яратиб, мижозлар ва хизмат кўрсатувчиларни бир платформага йиғиш.

Савдо бозорининг мақсади ва баҳосининг хусусиятлари:

- ушбу бизнес йўналишини танлаш, ушбу бозор сегментини бизнинг минтақамизда нисбатан кам рақобатга эга бозор сифатида тавсифлаш мумкинлиги билан боғлиқ;

- барқарор ривожланмоқда ҳамда юқори даромадли ҳисобланади.

Бизнеснинг қуйидаги хатарлари мавжуд:

1) Интернет тармоғини узилиши (бунда мижозлар ва ҳайдовчилар бир бирларини топа олмасликлари мумкин);

2) Ёзда мактаб ва талабаларга дам олиш вақтида болалар ва аёллар томонидан хизмат туридан фойдаланиш камайиб кетиши мумкин;

3) Рақобат кучайганлиги сабабли сотишнинг пасайиши;

Хавфли вазиятларни ҳал қилиш ва олдини олиш:

1. Интернет тармоғида ёки мобил илова уланган сервер базада носозлик юзага келиши орқали мижозлар ва ҳайдовчилар учун ноқулайликлар чиқариши мумкин.

2. Ёзги даврда (июнь-август) таълим соҳасида таътил бўлганлиги боис талаб тушиб кетиши ва бу вақт оралиғида фойдаланувчиларга чегирмалар бериш лозим .

3. Рақобат кучайгани сари янги турдаги хизмат турлари хусусан, хизмат сифатини юқори қилиш, чегирмалар бериш, ҳайдовчи ва фойдаланувчилар орасида турли совринли тадбирлар ўтказиш лозим.

Ушбу турдаги хизмат Европа, Россия ва бошқа ривожланган давлатларда мавжуд бўлиб инсониятнинг талаблари шаклланиши давомида унинг талабини қондириш учун бозорда таклифлар пайдо бўла бошлайди.

Аёллар ва болалар учун ишончли аёллар такси хизматини ташкил қилиш учун ташаббускор тадбиркор ишни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширишни маслаҳат берамиз.

1. Соҳани ривожлантириш учун харажатлар ва даромадлар режасини ўзингиз учун тахминий қилиб тузиб олиш;

2. Ҳужжатлар билан боғлиқ масалаларни ҳаммасини хал қилиш;

3. Мобил иловани замонавий шаклда ишлаб чиқиш учун дмобил иловани яратувчилар билан гаплашиш ёки ушбу йўналишдаги ходимларни ишга олиш;

4. Офис ташкил қилиш учун ҳудудий ҳокимликлар билан узоқ муддатли ерни ижарага олиш ёки ижарага берувчилар билан жойни олиш;

5. Реклама қилиш учун маркетинг стратегияси дастурини ишлаб чиқиш;

6. Бонус тизимини ишлаб чиқиш;

Шунингдек, қуйидаги Потенциал талабга таъсир етувчи омилларни кўзда тутиш.

- ҳудудда таклифнинг талабдан кам бўлиши (хизмат кўрсатиш

дефицити) – яъни таклифнинг хаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, мижозларнинг дефицитга айланган хизматга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади;

- аҳолининг ташриф буюриши масканлари – яъни йирик савдо ва дам олиш объектларига ташриф буюрувчиларнинг оқимининг ошиб бориши хизмат харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча камайиши потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади;

- ижтимоий сиёсат – ижтимоий химоянинг яхшиланиши ва ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир килади;

- рақобатбардошликни таҳлил қилиш ва рақобат сиёсатини аниқлаш;

- ҳудудда мазкур турдаги хизмат мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқлаш.

Ушбу тизимни жорий қилиш ва уйда ишсиз ўтирган траспорт воситаси мавжуд аёлларни ишга жалб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш ва мижоз ҳамда ҳайдовчилар учун қулай бўладиган Мобил илова ишлаб чиқиш.

Шунингдек, мижозларнинг талаб ва таклифларини ўрганиш, таҳлил қилиш, улар билан юзага келадиган муаммоларини жойида ҳал қилиш учун офис ташкил қилиш зарурияти мавжуддир. Офисни ижарага олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Офиснинг ўртача майдони 50 метр квадрат бўлса ушбу бизнесга етади. Бунга асосий сабаблардан бири офис 2 хонадан иборат бўлиши зарур.

Хонанинг реконструкцияси учун ўртача 50 млн.сўм, жиҳозлаш ва бошқа турдаги харажатлар учун қўшимча яна 50 млн.сўм пул маблағи талаб қилинади.

Шунингдек, мобил иловани замонавий кўринишда ишлаб чиқиш учун 60 млн.сўм пул маблағи талаб қилинади. Жами ушбу турдаги бизнесни бошлаш учун 160 млн.сўм миқдорида пул маблағи зарур бўлади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭҲТИЁЖ

Ушбу лойиҳанинг ишга тушириш орқали платформа 24 соат автомашиналарга хизмат кўрсата олади ҳамда ортиқча ишчи кучи талаб қилмайди.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

Ҳужжатларни расмийлаштириш “Давлат Хизматлари Маркази”

томонидан расмийлаштирилади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРЛАРИ

Ҳайдовчилар мижоз топиши, мижозлар эса транспорт воситасини топишлари учун тадбиркор томонидан яратилган Мобил иловадан фойдаланадилар.

Мобил илова орқали мижозларга (аёллар ва болалар учун) хизмат кўрсатиш 3 та тариф доирасида бўлади ва булар қуйидагилар;

- стандарт;

- комфорт;

- бизнес.

Бундан ташқари, етказиб бериш бўйича ҳам хизмат кўрсатади.

Тарифларга қараб, хайдовчи томонидан мижознинг манзилига етказиб берилган масофаси бўйича чиққан жами суммасига нисбатан фоиз ставкаларда ҳайдовчининг ҳисоб рақамидаги мавблағдан ечилади.

Ўртача мазкур такси иловаси орқали 100 та траспорт воситаси хизмат қилсин. Шундан 40 таси стандарт, 30 таси комфорт, 10 таси бизнес ва 10 таси етказиб бериш билан шуғулланади деб ҳисоблаймиз.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОБЪЕКТИНИНГ ЙИЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАСИ

сўмда

Хизмат кўрсатиш номи	Жами даромад йиллик	1 кунлик даромади	1 ойда кўрсатиладиганхизмат миқдори	1 йилда кўрсатиладиган хизмат миқдори
Такси хизмати	397 440 000	1 104 000	33 120 000	397 440 000

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОБЪЕКТИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ

Бир йиллик харажатлар

сўмда

Харажат номи	1 ойлик	йиллик
Ижара	2 000 000	24 000 000
Бошқа харажатлар (иш ҳақидан ташқари)	4 000 000	48 000 000
ЖАМИ:	**6 000 000**	**72 000 000**

Штат жадвали

сўмда

Лавозими	Сони	Битта штат ойлик маоши	Жами 1-йил ойлик маош
Мижозларни мобил иловага уловчи	1	4 000 000	48 000 000
Диспецер	1	4 000 000	48 000 000
ЖАМИ	**2**	**8 000 000**	**96 000 000**

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

сўмда

Лойиҳанинг дастлабки қиймати			
	Ўз маблағи	**Кредит маблағи**	**Жами**
Мослама хариди	160 000 000	0	0
Лойиҳанинг умумий қиймати	**100%**	**0**	**100%**

Молиялаштириш объектлари		
Мобил илова	**60 000 000**	**160 000 000**
Реконструкция	**50 000 000**	
Жиҳозлаш	**50 000 000**	

СОФ ТУШУМ ВА СОФ ФОЙДА

сўмда

Номланиши	**1- йилда**
Такси хизмати	397 440 000
Маош харажатлари	96 000 000
Реклама харажатлари	15 000 000
Кўзда тутилмаганбошқа ҳаражатлар	48 000 000
Ижараси учун	24 000 000
Солиққа қадар тушган даромад	214 440 000
Фойда солиғи 12%	25 732 800
Сой фойда	**188 707 200**